

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«InFinBANK» АЖ Бошқарув Раиси



2023 йил

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БАНК КАРТАЛАРИНИ ОЧИШ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ БҮЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу Оммавий оферта жисмоний шахсларга банк карталарини очиш ва уларга хизмат күрсатиш бүйича «InFinBANK» АЖ томонидан тақдим этиш түғрисидаги Шартнома (бундан бўён матнда – Шартнома) шартларини ўз ичига олади. Ушбу Оммавий шартнома-офертасида кўрсатилган харакатларнинг бажарилиши Мижознинг шартномани ушбу Оммавий офертада белгиланган шартларда, тартибда ва ҳажмда тузишга розилигини тасдиқлайди. Куйида келтирилган Оммавий оферта матни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369 ва 370 моддаларига мувофиқ шартнома тузиш бўйича расмий оммавий таклиф – «InFinBANK» АЖ мобил иловасида рўйхатдан ўтган барча жисмоний шахсларга қаратилган.

### 1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

<b>Банк</b>	«InFinBANK» АЖнинг Бош офиси ва унинг бўлинмалари;
<b>Мижоз/ Буюртмачи/ Фойдаланувчи</b>	Банк картасини очиш ва унга хизмат кўрсатиш мақсадида офертани акцептлаган ва Банк филиали орқали, Интернет тармоғидаги <a href="http://www.infinbank.com">www.infinbank.com</a> корпоратив сайти орқали ёки «InFinBANK» мобил иловаси орқали мурожаат қилган жисмоний шахс;
<b>Масофавий банк хизматлари (МБХ)</b>	Мижоз томонидан телекоммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб узатиладиган электрон фармойишлари асосида тақдим этиладиган Банкнинг комплекс хизматлари;
<b>«InFinBANK» АЖнинг Мобил иловаси</b>	Мобил технологиялар негизида яратилган, банк операциялари, ҳисобварагларнинг ҳолати ва бошқа маълумотларни онлайн режимда қабул қилиш учун мўлжалланган ихтисослаштирилган дастурий таъминот. Фойдаланувчи иловани мобил курилмага мос келадиган расмий манбадан юклаб олишда Мобил иловадан фойдаланиши мумкин;
<b>Кобейджинг картаси</b>	Ўзбекистон Республикасининг ваколатли тижорат банклари томонидан чиқарилган ва иккала тўлов тизимининг инфратузилмаларида фойдаланиш учун мўлжалланган иккита тўлов тизимининг кўшма картаси;
<b>Кобрендинг картаси</b>	Банк ва турли компанияларнинг кўшма маҳсулотлари. Банкнинг ҳамкори уяли алоқа оператори, тиббиёт маркази, озиқ-овқат дўкони, авиакомпаниялар ва

	бошқалар бўлиши мумкин;
<b>Банк картаси</b>	Банк томонидан Мижоз номига чиқарилган «UzCard», «HUMO», «VISA», «UnionPay» ва бошқа тўлов картаси, шунингдек кобейджинг ва кобрендинг картаси тўлов воситаси сифатида ишлатилади ва ўз Мижозига карта ҳисобварагидаги маблағлар доирасида операцияларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ушбу Шартнома шартлари асосида карта ҳисобвараги орқали нақдсиз ҳисоб-китоблар (тўловлар) ва ундан нақд пул олиш операцияларини амалга ошириш имкониятини беради;
<b>Қўшимча карта</b>	Мижоз номига қўшимча равишда чиқарилган ва дастлаб чиқарилган банк картаси боғланган карта ҳисобвараги доирасида операцияларни амалга ошириш имкониятини берувчи банк картаси;
<b>Шахси тасдиқловчи хужжат (ШТХ)</b>	Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикасининг янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, 16 ёшга тўлмаган фуқаронинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан берилган ҳарбий хизматчиларнинг шахсий гувоҳномалари ёки ҳарбий билетлари (ҳарбий хизматда мажбур бўлган фуқароларнинг ҳарбий билетлари бундан мустасно), чет эл фуқаросининг миллий паспорти (чет эл фуқаросининг тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжат билан биргаликда) ёки чет эл фуқаросининг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси/ID-картаси ёки дипломатик паспорт ёки Республикада аккредитациядан ўтганлигини тасдиқловчи аккредитация картаси, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси/ID-картаси;
<b>Банк картаси Сақловчиси</b>	Мижоз ёки банк карталари тарқатувчи эмитент ёки банк билан мижоз шартномаси асосида карта эгаси томонидан банк картасидан фойдаланишга рухсат берилган ваколатли шахс;
<b>Карта ҳисобвараги</b>	Банк картаси орқали амалга оширилган пул маблағларини тасарруф этиш учун мижознинг банк пластик картасига бириктирилган ҳисобвараги;
<b>Транзакция (операция)</b>	Товар ва хизматлар учун тўлов, нақд пул олиш ва карта ёрдамида амалга ошириладиган бошқа операциялар;

<b>Минимал баланс қолдиги – Суғурта депозити</b>	Ушбу шартноманинг бутун амал қилиш муддати давомида Картаса сақловчиси учун рухсат берилмаган СКХдаги пул маблағлари суммаси (СКХдаги маблағларниң ҳаракатсиз қисми);
<b>СХК (савдо ва хизмат кўрсатиш корхонаси)</b>	Банк карталаридан фойдаланган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) эквайер билан тузилган шартнома асосида сотадиган хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс ва (ёки) юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс);
<b>Ташкилот</b>	Иш берувчи ва ходимнинг ҳисоб-китоблари доирасида банк хизматларини кўрсатиш бўйича банк билан шартнома тузган Юридик шахс, юридик шахс ташкил этмаган ташкилот (ваколатхоналар, филиаллар ва бошқалар) ёки якка тартибдаги тадбиркор;
<b>Ташкилот ходими</b>	Ташкилот билан меҳнат ёки фуқаролик-хукуқий муносабатда бўлган шахс. Шартномани қўллаш учун ушбу таъриф пенсия ва нафақа олувчи шахсларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари ва таълим муассасаларининг талабалари/курсантлари/стажёрларига ҳам татбик этилади;
<b>Иш ҳақи</b>	Қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (шу жумладан пенсия ва стипендиялар);
<b>Қайднома (Ведомость)</b>	Ташкилот ходимларига иш ҳақини тўлаш учун зарур маълумотларни ўз ичига олган Ташкилотнинг молиявий ҳужжати. Қайднома Банкка электрон шаклда ва/ёки қоғозда тақдим этилади;
<b>Реестр</b>	Ташкилот томонидан тузилган, Ташкилот ходимларининг Ф.И.Ш., уларнинг табель рақамлари, паспорт маълумотлари, туғилган санаси, туғилган жойи, доимий яшаш жойи ва бошқа мажбурий реквизитлари кўрсатилган Ташкилот ходимларининг рўйхати;
<b>Эквайер</b>	СХК билан тўлов операциялари бўйича ҳисоб-китобларни, шунингдек карта Сақловчисига ўз бўлинмаларида ёки банкомат орқали нақд пул беришни амалга оширувчи Банк;
<b>Терминал</b>	Банк картаси Сақловчисига тўлов операцияларини амалга ошириш ва амалга оширилган операциялар учун слипларни шакллантиришга имкон берувчи курилма;
<b>Банкомат</b>	Банк картаси Сақловчисига ўз-ўзига хизмат кўрсатиш режимида нақд авансларни олишга имкон берадиган

	ва амалга оширилган операциялар учун слиппар шакллантирадиган қурилма;
<b>Слип</b>	Банк картасидан фойдаланган ҳолда операция амалга оширилганлигини тасдиқловчи ва операция суммаси, операция тури, операция амалга оширилган сана тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган терминал ёки банкомат квитансияси, шунингдек ушбу слиппни шакллантирган банк картаси, терминал ёки банкоматни ноёб идентификациялашга имкон берадиган маълумотлар;
<b>Логин</b>	Мижоз томонидан Тизимга кириш учун идентификатор сифатида фойдаланиладиган Мижознинг мобил рақами;
<b>Пароль</b>	Тизимга кириш учун идентификатор сифатида фойдаланадиган Мижоз томонидан ўрнатилган белгиларнинг маҳфий кетма-кетлиги;
<b>Картани блоклаш</b>	Банк томонидан картанинг фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиш бўйича чораларини қабул қилиш (иккинчи ҳолда, картани хизмат кўрсатиш учун тақдим этилганда уни олиб қўйиш назарда тутилади);
<b>Картани блокдан чиқариш</b>	Банк томонидан картанинг фаолиятини қайта тиклаш бўйича чоралар кўриш;
<b>SMS-Код</b>	Мижознинг Мижозни рўйхатдан ўтказиш, банк картасини Тизимларга қўшиш ва ҳоказоларга розилигини билдириш учун бир марталик ўзгарувчан код. SMS-код SMS-хабар шаклида тақдим этилади ва Мижознинг ишлаш турига қараб, банк картаси бириктирилган Мижознинг мобил телефон рақамига ёки Тизимда рўйхатдан ўтган Мижознинг мобил телефон рақамига юборилади;
<b>CVV-2</b>	Картанинг орқа томонига киритилган уч хонали код бўлиб, Интернет орқали операцияларни амалга ошириш учун ишлатилади;
<b>3-D Secure</b>	Карта Сақловчиси томонидан бир марталик ёки доимий паролни мажбурий киритиш орқали карта Сақловчисини кўшимча идентификациялаш, бу операция давомида Банк томонидан автоматик равишда SMS-хабарда мобил телефон рақамига ёки карта Сақловчисининг почтасига Интернет орқали операцияларни амалга оширишда юборилади;
<b>ШИР-код</b>	Карта хисобварагида хисобга олинган маблағларни тасарруф этиш хукуқини тасдиқловчи ва буюртма банк картаси Сақловчиси томонидан берилганлигини тасдиқловчи банк картаси Сақловчисининг шахсий идентификация рақами;
<b>Тўловни қайтариш</b>	Банк картаси Сақловчисининг карта орқали сотиб олинган, СХК томонидан тасдиқланган, лекин банк картаси Сақловчиси томонидан товар ёки хизматлардан воз кечганлиги сабабли СХК

	томонидан банк картаси Сақловчисининг карта ҳисобварағига ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилган пул маблағларини қайтариш. Пулни қайтариш нақд пул билан амалга оширилиши мумкин эмас;
<b>Компрометация (обруйсизлантириши)</b>	Тўлов тизимиға кириш учун Парол ёки тасдиқлаш воситаларидан, улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан фойдаланилаётганлигига ишончнинг йўқолиши
<b>Холдиrlаш</b>	Транзакция суммаси бўйича муваффақиятли транзакция натижасида картадаги маблағларни музлатиши. Холдиrlаш ҳисоб-китоб санасига қадар амал қиласди;
<b>Телефон сўзлашувлари учун парол</b>	Мижознинг шахсини ва ваколатини тасдиқлаш учун мўлжалланган шартли сўз ёки белгилар тўплами. Телефон сўзлашувлари учун парол Мижоз томонидан жисмоний шахслар учун карталарни чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги, Банк томонидан тасдиқланган шаклдаги аризада кўрсатилиди;
<b>Банк Йўриқномаси</b>	Карта ва бошқа жиҳозлардан фойдаланиш тартиби ва қоидаларини тавсифловчи ҳужжатлар, унга мувофиқ Банк карта Сақловчисига карталарга хизмат кўрсатишни тақдим этади. Банк йўриқномаларига риоя қилиш Банк картаси Сақловчиси учун ҳам, Банк учун ҳам мажбурийдир. Банкнинг йўриқномалари <a href="http://www.infinbank.com">www.infinbank.com</a> сайтида жойлаштирилган;
<b>Шахсий маълумотлар</b>	Банк картаси Сақловчисига тегишли ёки уни идентификациялашга имкон берадиган электрон, қоғоз ва (ёки) бошқа моддий воситаларда қайд этилган маълумотлар;
<b>Шахсий маълумотларни қайта ишлаш</b>	Банк картаси Сақловчисининг шахсий маълумотларини йиғиши, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ёки бир қатор ҳаракатларни амалга ошириш;
<b>Электрон хабарнома</b>	Банк томонидан интернет ва/ёки мобил алоқали мобил телефонларга (SMS, PUSH) ва/ёки Мижознинг электрон почтасига юбориладиган стандарт шаклдаги қисқа хабарлар;
<b>Куръерлик хизмати</b>	Мижозларга уларнинг талаблари асосида ёки уларсиз (банк ташаббуси билан) карталарни етказиб беришни таъмиловчи Банк куръери ва/ёки Банк билан шартномавий алоқада бўлган Куръерлик хизмати.
<b>АБТ</b>	Автоматлаштирилган банк тизими
<b>Мобил телефон рақам</b>	Мижоз томонидан Банк пластик карта ҳисоб рақамини очиш ва картани чиқариш/қайта

чиқариш/ёпиш учун Аризасида, Банк мижозлари базасида рўйхатдан ўтган, «Мижозлар хақида маълумотлар» бўлимида жойлашган, (тўлдириш мажбурий бўлган) (Телефон рақами (sms-хабарнома) устунида кўрсатилган мобил телефон рақами. Ушбу Оммавий оферта доирасида Мижоз банк картасига уланган фақат битта мобил телефон рақамига эга бўлиши мумкин.

## 2. ШАРТНОМА МАҶСАДИ

- 2.1. Мижоз томонидан ушбу офертага кўшилиш орқали ушбу шартномада назарда тутилган ҳаракатларни бажариш орқали тузилган шартноманинг предмети банк картаси ҳисобварагини очиш, банк карталарини чиқариш, шунингдек шартнома шартларига ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ банк картаси ҳисобвараги ва банк картасига хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Ушбу шартнома Банк томонидан чиқарилган банк пластик картасидан фойдаланган ҳолда ўзаро ҳисоб-китоблар учун банк ва банк картаси сақловчиси ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.
- 2.2. Мижоз Банкка келганида оферта шартларига кўшилиш мижознинг шахсини тасдиқловчи хужжатни тақдим этиш (нусхаси олинади, асл нусхаси қайтарилади), шунингдек мижоз томонидан ушбу Банк офертасини акцептлаш ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган аризани имзолаш орқали амалга оширилади ёки банкнинг масофавий банк хизматлари тизимлари орқали сўров юбориш йўли билан, бу ҳолда банкнинг масофавий банк хизматлари тизими орқали карталарни чиқариш бўйича сўровлар 16 ёшдан ошган шахслардан қабул қилинади.
- 2.3. Мижоз ушбу шартномани акцептлаш билан, ушбу шартноманинг мажбурий шартлари ва Банк тарифларига розилигини ва ўзи учун тан олишини тасдиқлайди.
- 2.4. Халқаро тўлов тизимининг эмиссия тартиби талаблари Банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган бўлиб, Мижоз ушбу талаблар билан танишиб чиқсанлигини ҳамда уларга риоя этишини тасдиқлайди.

## 3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 3.1. Банк жисмоний шахснинг картани чиқариш тўғрисидаги аризаси асосида ушбу шартнома акцептланган қундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичida жисмоний шахсга карта ҳисобварагини очади, банк картасини тайёрлайди ва уни банк картаси сақловчисига топширади, бунда банк карта сақловчиси банкга шахсни тасдиқловчи хужжатни тақдим этиши шарт.
- 3.2. Карта ҳисобварагида маблағлар қолдиги бўйича фоизларни ҳисоблаш Банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ амалга оширилади.
- 3.3. Картада унинг амал қилиш муддати ва рақами кўрсатилган бўлади. Карта қўйидаги операциялар учун ишлатилади:
  - 3.3.1. Ўзбекистон Республикаси худудида ва унинг ташқарисида СХК билан товарлар ёки хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китобларни нақдсиз амалга оширишда;
  - 3.3.2. Эквайер бўлинмаларида ёки банкомат орқали нақд пул олиш;
  - 3.3.3. Банк кассасига нақд пул маблағларини қўйиш ёки нақд пулсиз орқали пул маблағларини карта ҳисобварагига киритиш;
  - 3.3.4. Иш ҳаки ва унга тенглаштирилган бошқа тўловларни карта ҳисобварагига киритиш;
  - 3.3.5. Карта ҳисобвараги бўйича сўровнома маълумотларини олиш.
- 3.4. Банк банк картасини чиқариш, банк картасини қайта чиқариш ва карта ҳисобварагини очиш учун Банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ воситачилик ҳакини олади.
- 3.5. Операцияларни амалга оширганлик учун Банк амалдаги тарифларга мувофиқ банк картаси Сақловчисидан воситачилик ҳакини ундиради.

- 3.6. Банк картасини ёпиш банк картаси сақловчисининг ёзма аризаси асосида амалга оширилади.
- 3.7. Банк йўқолган (ўғирланган ва ҳоказо.) банк картасини банк картаси сақловчиси томонидан банк картасининг йўқолганлиги (ўғирланганлиги ва бошқалар) тўғрисида ариза берган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичida алмаштиради.
- 3.8. Мижознинг карта ҳисобварагининг валютаси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси, АҚШ доллари ёки карта маҳсулотига қараб бошқа валютада бўлиши мумкин.
- 3.9. Агар картадан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фойдаланилса, зарур ҳолларда қабул қилувчи давлатнинг валютасига тўлов тизимлари томонидан белгиланган курс бўйича автоматик равишда конвертация қилинади.
- 3.10. Амалдаги тарифларга мувофиқ, Банк ҳар бир турдаги банк карталари учун суғурта депозити микдорини белгилайди.
- 3.11. Суғурта депозити суммасини қайтариш, картани ёпиш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб 30 (үттиз) календар кундан кейин банк томонидан амалга оширилади.
- 3.12. Транзакция амалга оширилган кундан бошлаб 30 календар кун ичida Мижоз ёзма равишида транзакцияга эътиroz билдиrmagan бўлса, ҳар қандай транзакция Мижоз томонидан амалга оширилган ҳисобланади. Банк картаси орқали амалга ошириладиган транзакцияларга доир барча низолар «VISA», «Union Pay International», «Mastercard» халқаро тўлов тизимларининг Операцион коидаларига мувофиқ ҳал қилинади.
- 3.13. Банк картаси валютасидан бошқа валютада транзакцияларни амалга оширишида маблағларни Холдиrlash транзакция ўtkazilgan санадаги курс бўйича амалга оширилади. Карта ҳисобварагидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ўзаро ҳисоб-китоб санасидаги курс бўйича амалга оширилади. Ҳисоб-китоб санасининг курси халқаро янгиликлар ва молиявий ахборот агентлигининг [www.reuters.com](http://www.reuters.com) сайтидаги курсдан кўпил билан 4% (тўрт фоиз) юқорига ёки пастига фарқ қилиши мумкин.
- 3.14. Иш ҳақи лойиҳаси доирасида Банк картасини чиқаришда банк картаси Мижознинг Банкка келиши билан қўйидаги шартларда очилади/чиқарилади:
  - Банк ва Ташкилот ўртасида Иш берувчи ва ходим ўртасидаги ҳисоб-китоблар доирасида банк хизматларини кўрсатиш тўғрисида Шартнома тузилиши шарти билан;
  - Ташкилот томонидан тақдим этилган реестрда Мижоз ҳақидаги маълумотларнинг мажудлиги.
- 3.15. Карта ҳисобвараги очилгандан ва банк картаси чиқарилгандан сўнг, Банк Мижозга банк картасини Мижоз шахсан ёки қонунчиликка мувофиқ нотариал тартибда ишонч билдирган вакили Банкка ташриф буюрган вақтда тақдим этади.  
Банк Мижозни идентификация қилгандан сўнг Мижозга банк картасини топширади. Идентификациядан ўтиш учун Мижоз Банкка унинг шахсини тасдиқловчи хужжатнинг асл нусхаси тақдим этади. Мижоз ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги карта ҳисобварагини очиш ва банк картасини чиқариш/қайта чиқариш/ёпиш тўғрисидаги аризани имзолайди. Банк картаси, Мижоз томонидан Аризадаги «Картани олдим» қаторида имзолагандан кейингина Мижозга топширилиши шарт.
- 3.16. Карта ҳисобвараги, агар тегишли автоматлаштирилган жараёнлар мавжуд бўлса, Мижоз томонидан масофадан туриб, Банкка ташриф буюргмаган ҳолда очилиши мумкин. Карта ҳисобварагини масофадан очиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек банк карталарини чиқариш «InFinBank» АЖнинг жисмоний шахсларга масофавий банк хизматларини кўрсатиш бўйича Оммавий офертасига мувофиқ тартибга солинади. Мижоз томонидан Банкнинг мобил иловаси орқали карта очиш учун ариза топширилганда ва Мижоз картани етказиб бериш опциясини танлаганида, Банк картани Мижозга куръерлик хизмати орқали етказиб беради.
- 3.17. Банк картасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар тўғрисида электрон хабарномани олиш учун Мижоз банк картасини олгандан сўнг СМС-хабар хизматига уланиши керак.

- 3.18. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қўшимча картани чиқариш ва унга хизмат кўрсатишда ушбу Шартнома шартлари кўлланилади.
- 3.19. Мижоз Банкнинг Алоқа Маркази хизматларидан фойдаланишининг зарурлиги мақсадида, ахборотларнинг хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлаши, шунингдек хизмат кўрсатиш сифатини керакли даражада ушлаб туриш учун Банк томонидан телефон орқали сухбатлар қўшимча огоҳлантиришсиз ёзиб олиниши мумкин.
- 3.20. Компрометация ҳолатида Банк банк картасини блокировка қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Банк картасини блокдан чиқариш аввал уни блокировка қилишга олиб келган сабаблар бартараф этилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин.
- 3.21. Банк картасини блокировка қилиш Мижознинг ташаббуси билан - Алоқа маркази хизматидан фойдаланганда, Банкка ташриф буюрганда ёки МБХ тизимларидан фойдаланганда амалга оширилиши мумкин.
- 3.22. Ташкилотдан келиб тушадиган иш ҳаки, Транзит ҳисобварағига келиб тушган пайтдан бошлаб жорий банк куни давомида иш ҳаки лойиҳалари доирасида очилган Банк карталарининг карта ҳисобварақларига ўтказилади.
- 3.23. Шу билан бирга, банк картасига пул ўтказмасини амалга оширувчи Ташкилот қуидаги камчиликларга йўл қўйган ҳолларда пул маблағлари Мижознинг ҳисобварағига киритилмайди:
- Ташкилот транзит ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушган кундан бошлаб кейинги банк кунидан кечиктирмай ведомостни тақдим этмаса; Ташкилотда Ташкилот ходимларининг карта ҳисобварақларига пул маблағларини масофадан туриб ўтказиши ташкил этиш имконияти мавжуд бўлса, Ташкилот Банкка Ведомость тақдим этиш мажбуриятидан озод қилинади;
  - Агар Ведомостда кўрсатилган Мижознинг Ф.И.Ш. ва унинг карта ҳисобварағи рақами Мижознинг ҳақиқий Ф.И.Ш. ва Банк АБТдаги унинг карта ҳисабварағи рақами билан мос келмаса;
  - Банк томонидан белгиланган шаклга мувофиқ Ведомость ва/ёки Реестр Банкка тақдим этилмаса;
  - Ведомостдаги имзолар ва муҳрлар Ташкилот томонидан тақдим қилинган имзолар намуналари Варақчасида кўрсатилган тегишли маълумотлар билан мос келмаса;
  - Транзит ҳисобварағига келиб тушган суммалар билан Ведомостда кўрсатилган сумма ўртасидаги тафовутлар;
  - Мижознинг ШТҲнинг амал қилиш муддати тугаган ҳолда, шунингдек, ушбу Шартнома шартларига биноан Банк талабига кўра ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолда;
  - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Агар Ташкилот хабардор қилинган кундан бошлаб банк иш куни ичida юкоридаги камчиликларни бартараф этмаса, Банк аввал маҳсус транзит ҳисобварағига тушган пул маблағларини Жўнатувчи-ташкилотнинг ҳисобварағига қайтаради.

#### 4. РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА АКЦЕПТЛАШ ТАРТИБИ

- 4.1. Тизимларда мижознинг рўйхатдан ўтиши банкнинг алоҳида ички норматив ҳужжати билан тартибга солинадиган тегишли дастурий таъминот хизмати мавжуд бўлганда масофадан туриб амалга оширилади.
- 4.2. Тегишли дастурий таъминот хизматлари мавжуд бўлган тақдирда, масофадан туриб рўйхатдан ўтиш, ушбу оммавий оферта ва тизимда операцияларни ўтказиши қоидалари қабул қилингандан сўнг амалга оширилиши мумкин. Мижоз томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар, шунингдек банк тизимларида амалга ошириладиган жараёнлар тегишли тизимнинг ишлаш шартларига қараб ўзгариши мумкин, бунда фойдаланилаётган тизимдаги мижозлар танишишлари шарт.

- 4.3. Оммавий оферта Мижозга қоғоз шаклида, ҳамда улар билан Банкнинг расмий веб-сайтида, шунингдек «InFinBANK» АЖнинг МБХ тизимларида танишишни таклиф қилиш орқали тақдим этилиши мумкин.
- 4.4. Мижоз томонидан Логин ва паролни ўрнатиш МБХ тизимларида Мижозни муваффақиятли рўйхатдан ўтказиш тартибининг натижасидир. Мижоз Логин ва паролни сир сақлаши ва уларнинг бошқа шахсларга ошкор қилинmasлигини таъминлаши, акс ҳолда банкка нисбатан эътиroz қилmasлик мажбуриятини ўз зиммасига олиши шарт.
- 4.5. Шартнома мижоз томонидан ушбу Шартноманинг 2.2-бандларда кўrsатилган ҳаракатларни бажарган пайтдан бошлаб тузилган (акцептланган) ҳисобланади. Шартномани тузиш мижознинг ушбу шартнома шартларини тўлиқ ўқиб чиққанлигини ва розилигини англалади.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 5.1. Банк мажбуриятлари:

- 5.1.1. Ариза берилган кундан бошлаб 3 иш куни ичida картани чиқариш, унга хизмат кўrsatiшни таъминлаш, шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган шартлар асосида карта ҳисобварағига ҳисоб-китоб хизматларини кўrsatiшни амалга ошириш.
- 5.1.2. Белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов хужжатлари олинган кундан бошлаб 3 иш куни ичida карта сақловчиси фойдасига келиб тушган пулни карта ҳисобварағига киритиш.
- 5.1.3. Мижоз МБХ тизимларидан ёки телефон сухбатлари учун тўғри пароль (кодли сўз) хабар қилинган тақдирда, Мижоз Алоқа марказига тегишли телефон қўнгиригини амалга оширганда, Мижознинг ёзма аризасига кўра банк картасини блокировка қилиш.
- 5.1.4. Карта сақловчиси картанинг йўқолганлиги (ўғирланганлиги, шкастланганлиги ва ҳоказо.) ҳақида ёзма ариза тақдим қилингандан сўнг, картани дарҳол блоклаш.
- 5.1.5. Мижоз Банкка ташриф буориши шарти билан, Мижознинг ёзма талабига биноан банк картасини блокдан чиқариш;
- 5.1.6. Агар банк карта бўйича операцияларни тўхтатиб қўйса (картадан фойдаланганда «ШИР-код» нотўғри терилиши натижасида блокировка қилинган ҳоллар бундан мустасно), банк операциялар тўхтатилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай карта сақловчисига, унинг ҳисобварағига хизмат кўrsatiшнинг тўхтатилиши ва унинг сабаблари тўғрисида хабар (хабарнома) юбориши керак.
- 5.1.7. Банк картаси сақловчисининг карта ҳисобварағидан карта бўйича амалга оширилган тўлов операциялари суммаларини, карта ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғини камайтирувчи, шунингдек ШИР-кодлар тўплами билан тасдиқланган ёки бир марталик ўзгарувчан кодлардан фойдаланган ҳолда ушбу тўлов операцияларини амалга ошириш учун банк воситачилик ҳақи миқдорини ҳисобдан чиқариш (операцияларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш шартлари «InFinBANK» АЖнинг жисмоний шахсларга масофавий банк хизматларини кўrsatiш тўғрисида Оммавий офертасида кўrsатилган).
- 5.1.8. Банк карта Сақловчисининг аризаси асосида Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ карта ҳисобварағидан кўчирма тақдим этиш.
- 5.1.9. Банк картаси Сақловчисига банк йўриқномалари ва тарифларида назарда тутилган банк картасидан фойдаланиш ва ҳисоб-китоб технологиялари бўйича маслаҳатлар бериш.
- 5.1.10. Ушбу шартнома бекор қилинган тақдирда, банк картаси орқали илгари амалга оширилган тўлов операциялари бўйича барча ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тарзда карта ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағлари қолдиғини Банк картаси сақловчисига қайтариш.

5.1.11. Карта ҳисобварағи бўйича операцияларнинг сир сақланишига риоя қилиш ва банк сирини ташкил этувчи маълумотларни фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига назарда тутилган ҳолларда учинчи шахсларга тақдим этиш.

## 5.2. Банк картаси сақловчисининг мажбуриятлари:

5.2.1. Банк картасини олиш вақтида шахсни тасдиқловчи хужжатнинг асл нусхасини тақдим этиш;

5.2.2. Ушбу Шартномага мувофиқ Банк картасидан фойдаланиш;

5.2.3. Картадан карта ҳисобварағидаги маблағлар қолдиги доирасида ва картанинг амал қилиш муддати давомида фойдаланиш ва унда қарздорлик пайдо бўлишининг олдини олиш. Агар карта ҳисобварағига салбий қолдик шаклланган бўлса, қарзнинг бутун миқдорини қарз олинган кундан бошлаб бир ойдан кечиқтирмай тўлаш, алоҳида шартнома билан тартибга солинадиган Банк томонидан овердрафт хизматларини кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно;

5.2.4. Банк картаси орқали амалга оширилган транзакциялар бўйича ШИР-кодлар тўплами билан тасдиқланган ёки бир марталик ўзгарувчан кодлардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш (операцияларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш шартлари «InFinBANK» АЖнинг жисмоний шахсларга масофавий банк хизматларини кўрсатиш тўғрисида Оммавий офертасида кўрсатилган);

5.2.5. Банк талабига биноан Мижозни лозим даражада текшириш учун зарур бўлган хужжатлар ва маълумотларни, шу жумладан Банк томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилаётган операция бўйича кўшимча маълумотларни тақдим этиш;

5.2.6. Банк картасидан мустақил равишда фойдаланиш ва уни учинчи шахсларга бермаслик, шунингдек банк картасининг сақланишини, телефон сўзлашувлари ва тўлов тизимларига кириш учун паролларининг хавфсизлигини таъминлаш (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно);

5.2.7. Карта ҳақидаги барча маълумотларни, шунингдек ШИР-код, CVV-2 ва/ёки 3-D Secure кодини учинчи шахсларга бермаслик;

5.2.8. Карта ҳисобварағи бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ операцияларни амалга оширмаслик;

5.2.9. Тарифларга мувофиқ Банк хизматлари учун ҳақ тўлаш;

5.2.10. Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ картадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча тўлов операциялари учун воситачилик ҳақини тўлаш;

5.2.11. Банк картаси сақловчиси томонидан ушбу Шартномани бузиш билан боғлиқ барча харажатларни тўлаш, шунингдек ушбу шартнома шартларига ва Банк йўриқномаларига риоя қилмаслик натижасида етказилган Банкнинг заарларини қоплаш;

5.2.12. Карта ҳисобварағи ҳолати ҳақида маълумот олинган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни ичida карта ҳисобварағига бошқа шахсларнинг маблағлари келиб тушгани ҳақида Банкни хабардор қилиш ва карта ҳисобварағи ҳолати ҳақида маълумот олинган кундан бошлаб 1 (бир) банк куни ичida карта ҳисобварағига нотўғри киритилган пул маблағларини Банкка қайтариш;

5.2.13. Карта ҳисобварағидан нотўғри ҳисобдан чиқарилган маблағларни карта ҳисобварағига қайтариш учун карта ҳисобварағи ҳолати тўғрисида маълумот олинган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни ичida карта ҳисобварағидан нотўғри ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида Банкка хабар бериш. Тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг тўғрилиги учун тўлиқ жавобгарликни олиб бориш;

5.2.14. Банкнинг тўлов тизимлари ва учинчи томон тўлов ташкилотларининг Интернет тармоғидаги расмий саҳифаларида уланиш, кириш ва техник хизмат кўрсатиш шартлари билан мустақил равишда танишиб чиқиш;

5.2.15. Компрометация ёки ўз шахсий маълумотларига компрометацияга шубҳа бўлган тақдирда Банкни дарҳол хабардор қилиш, Интернет, шу жумладан, умумий

фойдаланишдаги телекоммуникация тармоклари орқали узатиладиган маълумотларнинг компрометацияси эҳтимоли билан боғлиқ хавфларни ўз зиммасига олиш.

- 5.2.16. Яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми, мобил телефон рақами, иш жойи телефон рақами, прописка манзили ўзгарганлиги, банкка тақдим қилинган шахсни тасдиқловчи хужжатдаги ўзгаришлар ҳақида, бундай ўзгаришлар киритилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичida, Банкни хабардор қилиш;
- 5.2.17. Картани йўқотиш, ўғирлаш, шикастланиш ҳолатларида дарҳол Банкка қуидаги телефон орқали хабар бериш: 71 202-50-60, бу ҳолда, карта Сақловчиси телефон сўзлашувлари учун шахсий паролни айтиши керак. Оғзаки хабар берилгандан сўнг, карта сақловчиси буни 24 соат ичida ёзма равишда тасдиқлаши шарт;
- 5.2.18. Аризада назарда тутилган карта Сақловчиси тўғрисидаги маълумотлар (ахборотлар) ўзгарганлиги тўғрисида 3 (уч) иш куни мобайнида Банкка ёзма равишда хабар бериш;
- 5.2.19. Карта Сақловчисининг айби билан ёки картани блокировка қилиш билан боғлиқ бўлган Банкнинг ҳар қандай харажатларини сўзсиз қоплаш;
- 5.2.20. Банк томонидан тегишли талаб юборилган кундан бошлаб бир кун ичida СКҲга нотўғри кирим қилинган пулни Банкка қайтариш. Банкнинг талаби телефон орқали оғзаки, кейинчалик талабни ёзма равишда расмийлаштирилган ёки фақат ёзма равишда юборилиши мумкин;
- 5.2.21. Банк томонидан ўрнатилган банк картасидан фойдаланиш қоидалари ва тартибига ҳамда VISA», «Union Pay International», «Mastercard», «UZCARD», «HUMO» халқаро тўлов тизимлари қоидаларига риоя қилиш;
- 5.2.22. Мазкур офертанинг 6.1.3-пунктдаги ҳолатларда Банкнинг биринчи талабига биноан картани Банкка тақдим этиш.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

### 6.1. Банк қуидаги ҳуқуқларга эга:

6.1.1. Карта Сақловчиси ушбу билан Банк тегишли маълумотларни ахборот стендларида, Банк веб-сайтида камида 10 (үн) календарь куни олдин жойлаштириш орқали мижозни аввалдан хабардор қилган ҳолда қуидагиларни ўз ихтиёрига кўра ўзгартириши мумкинлигига розилик билдиради, жумладан:

- Банк Тарифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш: Банкка комиссия тўлаш ва Карта Сақловчиси томонидан Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тўловларни амалга ошириш миқдори, тартиби ва шартларини ўзгартириш;
- Ушбу офертага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

6.1.2. Банк ички Йўриқномаларига ўзгартишлар киритиш;

6.1.3. Қуидаги ҳолларда Банк картасини олиб қўйиш:

- Ушбу Шартнома бекор қилинганда;
- Банк картасидан ваколат берилмаган шахслар томонидан фойдаланилганда;
- Карта қайта чиқарилганда;

6.1.4. Картани бекор қилиш ва карта Сақловчиси ариза берилган кундан бошлаб 6 (олти) календар ойдан ортиқ муддат ичida картани олиш учун Банкка келмаган тақдирда, унга кўрсатилган хизматлар учун тўланган ҳақни карта Сақловчисига қайтармаслик.

6.1.5. Қуидагиларни Мижознинг розилигисиз карта ҳисобварагидан ҳисобдан чиқариш:

- Банк картаси бўйича амалга оширилган транзакциялар суммалари, шу жумладан Мижоз МБХ орқали электрон тўловларни амалга оширганда;
- Банк Тарифларига мувофиқ Банкнинг воситачилик ҳаqlари;
- Карта ҳисобварагининг актив қолдигидан ортиқча амалга оширилган транзакция суммалари;
- Тегишли асос мавжуд бўлганда, карта ҳисобварагига нотўғри кирим қилинган пуллар;
- мижоз ва Банк ўртасида мавжуд бўлган бошқа амалдаги шартномавий муносабатлар натижасида келиб чиқадиган ва улар вужудга келган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни

иичида қайтарилимаган Мижознинг ҳар қандай қарзларини тўлаш учун етарли миқдорда суммалар.

Шу билан бирга, мижознинг қарзларини карта ҳисобварагидаги валютадан бошқа валютадаги қарзларни тўлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ушбу қарзни карта ҳисобварагидаги маблағлар ҳисобидан тўлаш вақтида амал қиласидиган курсидан фойдаланилади.

6.1.6. Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ:

- Мижозни лозим даражада текширишни амалга ошириш учун Мижоздан зарур бўлган хужжатлар ва маълумотларни, шу жумладан Мижознинг амалга оширилаётган операциялари бўйича кўшимча маълумотларни тақдим этишини талаб қилиш;
- Карта ҳисобварагини очиш ва Банк картасини чиқариш ёки Мижознинг карта ҳисобвараги бўйича операцияларни амалга оширишни рад этиш ёки агар мижозни лозим даражада текширишни амалга оширишнинг имкони бўлмаса, Шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган ҳолларда карта ҳисобвараги бўйича операцияни тўхтатиб туриш ва операцияда фойдаланиладиган маблағларни ишга солмай тўхтатиб қўйиш;
- ва бошқа хукуқлардан фойдаланиш.

6.1.7. Карта Сақловчиси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган транзакциялар бўйича талабномани у амалга оширилган кундан бошлаб 30 (үттиз) календар кундан кейин кўриб чиқиш учун қабул қиласли.

6.1.8. Ишлаб чиқариш зарурати туғилганда, Картани тақдим этишини талаб қилиш ва Карта Сақловчисини чақириб олиш санасидан камида 3 (уч) кун олдин хабардор қилган ҳолда, Картани банк картаси Сақловчисидан қайтариб олиш;

6.1.9. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда иш берувчи ва ходимнинг ҳисоб-китоблари доирасида қабул қилинадиган маблағларни жўнатувчининг ҳисобварагига қайтариш;

6.1.10. Банк картасини қайта чиқариш учун ариза қабул қилинганда мижоздан банк картасини қайтаришни талаб қилиш (карта йўқолганлиги сабабли қайта чиқариш бундан мустасно);

6.1.11. Банк операциялари бўйича лимитларни белгилаш ва уларни ўзгартариш;

6.1.12. Банк картаси Сақловчисидан Банкка ушбу шартномани ва Банк йўриқномаларини бузиш билан боғлиқ барча қарздорлик суммалари ва харажатларини тўлашни талаб қилиш.

6.1.13. Ушбу шартномани Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида, шу жумладан жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга оммавий қирғин қуролларини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тартиби тартиба солувчи қонун хужжатлари асосида бир томонлама бекор қилиш.

6.1.14. Норезидент-мижоз томонидан ушбу оферта талблари бузилган тақдирда, Банк ушбу офертани бир томонлама бекор қилиш ва мижоз банк картасини блоклаш хукуқига эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари асосида норезидент-мижоз томонидан Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисобваракларни очиш ва улардан фойдаланиш тартиби ёки халқаро тўлов тизимининг эмиссия тартиби ўзгарган тақдирда Банк бир томонлама ушбу офертани ўзгартариш ва унга кўшимчалар киритиш хукуқига эга.

6.1.15. Мижоз ёки унинг операцияси санкция таъсир доирасига тушганда ёки тушиш хавфи мавжуд бўлганда, Банк операцияни ўрганиш мақсадида кўшимча маълумотларни сўраш, операция миқдорини чегаралаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ёки амалга

ошираётган операцияларни Мижознинг анкетасидаги профилига номувофиқ бўлган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ва ушбу шартномани бир тамонлама бекор килиш ҳукуқига эга.

- 6.1.16. Валюта карталаридан фойдаланиш жараёнини қулайлаштириш мақсадида ва карта рақами бўйича VISA тизими орқали пул ўтказмасини бошқа банк карталарига қабул қилиш хизмати уланмаган тақдирда, Мижознинг VISA картасига бепул хизматни Мижоз кўрсатган мобил телефон рақамига автоматик улаш;
- 6.1.17. Мижоз ушбу билан Банк тегишли маълумотларни Банк веб-сайтида камида 10 (үн) календарь куни олдин жойлаштириш орқали Мижозни аввалдан хабардор қилган ҳолда қуидагиларни ўз ихтиёрига кўра ўзгартириши мумкинлигига розилик билдиради, жумладан:

- Банк Тарифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш: Мижоз томонидан Банкка комиссия тўлаш ва мазкур шартнома бўйича банк хизматлари билан боғлиқ бошқа тўловларни амалга оширишнинг миқдори, тартиби ва шартларини ўзгартириш;
- Банк операциялари бўйича лимитлар ўрнатиш ва уларни ўзгартириш;
- Ушбу офертага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

- 6.1.18. Банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга.

## 6.2. Банк картаси Сақловчиси қуидаги ҳукуқларга эга:

- 6.2.1. Карта ҳисобварагидаги маблағлар қолдигини Банк кассасига нақд пул киритиш орқали, Банкнинг транзит ҳисобвараги орқали, банкомат орқали, шунингдек Банкнинг мобил иловаси орқали тўлдириш.
- 6.2.2. Мижознинг аризаси асосида кейинчалик карта ҳисобварагини ёпиш орқали банк картасидан фойдаланишни рад этиш, бунда карта ҳисобварагидаги маблағлар қолдигини кўрсатилган Мижознинг талаб қилиб олгингунча депозит ҳисобварагига ўтказиш;
- 6.2.3. Банк картаси ёрдамида амалга оширилган барча операциялар ва карта ҳисобварагининг ҳолати тўғрисида кўчирма олиш. Шу билан бирга, банк картаси Сақловчиси шахсан Банкка мурожаат қилиши ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши ёки Алоқа марказига мурожаат қилиб, телефон сўзлашуви учун тўғри паролни хабар қилган ҳолда транзакциялар тўғрисидаги маълумотларни олиши мумкин;
- 6.2.4. Терминаллар ёки банкоматлар ҳамда МБХ тизими орқали ШИР-кодларни ўзининг хоҳишига кўра ўзгартириш;
- 6.2.5. Картани блокировка қилиш ёки блокдан чиқариш учун Банкка ёзма ариза билан мурожаат қилиш;
- 6.2.6. Карта йўқолган/ўғирланган/йўқолган тақдирда картани қайта чиқаришни амалга ошириш;
- 6.2.7. СХКдан амалга оширилган операциялар ҳақида маълумот олинмагунча, Карта Сақловчиси Банқдан тўловни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

## 7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 7.1. Карта Сақловчиси карта ҳисобвараги бўйича амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлиги ва Банкка тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги учун жавобгардир;
- 7.2. Карта Сақловчиси ноқонуний хатти-ҳаракатлари, шу жумладан карта ҳисобварагига нотўғри кирим қилинган пулни Банкка қайтармаслиги муносабати билан етказилган/келиб чиқсан заарларни Банкка қоплаш учун жавобгардир;
- 7.3. Банк Мижоздан ёзма ариза, МБХ орқали банк картасини блокировка қилиш тўғрисидаги сўровнома ёки банк картасининг йўқолганлиги/ўғирланганлиги тўғрисида ёки унинг карта ҳисобварагидаги шубҳали фаолият тўғрисида Алоқа марказига мурожаат қилишдан олдин содир бўлган ҳар қандай операциялар учун Карта Сақловчиси жавобгарликни олиб боради;

- 7.4. Карта Сақловчиси Банкнинг тўлов тизимлари ва учинчи томон тўлов ташкилотларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча операциялар учун жавобгардир;
- 7.5. Карта Сақловчиси Мижоз томонидан банк картасининг ШИР-кодини, телефон сўзлашувлари учун паролни ва учинчи шахсларга тўлов тизимларига кириш паролини ва 3-D Secure бўйича кодини ошкор қилиш натижасида учинчи шахслар томонидан банк картаси бўйича амалга оширилган операциялар учун жавобгардир;
- 7.6. Карта Сақловчиси Интернет орқали (карта Сақловчисининг иштироки билан ва/ёки иштирокисиз) карта бўйича амалга оширилган транзакциялар натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар учун тўлиқ жавобгарликни олиб боради.
- 7.7. Карта Сақловчиси йўқолган ёки шикастланган карта бўйича банкка хабар бермаган бўлса, (карта Сақловчисининг иштироки билан ва/ёки иштирокисиз) амалга оширилган транзакциялар натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар учун тўлиқ жавобгарликни олиб боради.
- 7.8. Карта Сақловчиси, шунингдек, карта, ШИР-код ва/ёки CVV-2 ўғирланганлиги/йўқолганлиги/шикастланганлиги ҳақида Банкка ёзма равища хабар бермаганлиги ёки ўз вақтида хабар бермаганлиги учун жавобгардир;
- 7.9. Банк Мижознинг карта ҳисобварагидан нотўғри ҳисобдан чиқарилганлик учун, нотўғри ҳисобдан чиқарилган сумма (ҳақиқий зарар) микдорида жавобгар бўлади;
- 7.10. Банк карта ҳисобварагининг ўз вақтида очилмаганлиги, шунингдек Банк картаси ўз вақтида чиқарилмаганлиги учун жавобгардир, улар мавжуд бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно;
- 7.11. Банк «Банк сири»ни қонунга хилоф равища ошкор қилганлик учун жавобгардир;
- 7.12. Банк куйидаги ҳолларда жавобгарликдан озод қилинади:
  - Мижознинг карта балансидаги маблағларни ўз вақтида акс эттираслик ёки уларга кириш имкониятининг вақтинча мавжуд эмаслиги, агар бунинг сабаби процессинг марказидаги техник носозликлар ёки процессинг маркази фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳолатлар бўлса;
  - учинчи тарафнинг банк картасига хизмат кўрсатишдан бош тортиши;
  - банк картаси орқали харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) сифатига;
  - «UZCARD», «HUMO» ва/ёки МУНИС тўлов тизимларининг бошқа иштирокчи-банкларнинг, бошқа тўлов тизимларининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги ва бунинг натижасида Мижоз «UZCARD», «HUMO» ва/ёки МУНИС ёки бошқа тўлов тизимларининг бошқа иштирокчи-банкларнинг, бошқа тўлов тизимларининг хизмат кўрсатиш тармоғида банк картаси билан операцияларни амалга оширишда маънавий ва/ёки мулкий зарар кўриши;
  - хизмат турларининг вақтинча қисқариши/ёмонлашиши/ўзгариши, мумкин бўлган операциялар рўйхати, банк карталарига хизмат кўрсатишнинг шартлари ва технологик шартлари, агар бунга Банк ва «UZCARD», «HUMO» ва/ёки МУНИС ва бошқа тўлов тизимларининг бошқа иштирокчи-банклари ускуналари ва накд пулсиз ҳисобкитоблар тизими версияларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлса;
  - Мижоз манфаатларига таъсир этиши мумкин бўлган учинчи шахс томонидан ўрнатилган банк картаси билан амалга ошириладиган операциялар бўйича лимитлар, чекловлар ва қўшимча мукофотлар;
  - йўқолган/ўғирланган банк картасини блоклаш тўғрисида ўз вақтида ёзма равища Банкка хабар бермаслик оқибатлари, шу жумладан мижоздан банк картаси ўғирланганлиги ва/ёки йўқолганлиги тўғрисида ёзма хабар олингунга қадар ёки Мижоз Алоқа марказига мурожаатидан сўнг банк картаси блоклангунга қадар учинчи шахслар томонидан банк картаси бўйича амалга оширилган операциялар учун;
  - Мижоз томонидан банк картасининг ШИР-коди, СМС-пароллари, телефон сўзлашуви учун пароли ва учинчи шахсларга тўлов тизимларига киришнинг парол(лар) ва 3-D

Secure бўйича кодини ошкор қилиш натижасида банк картаси бўйича учинчи шахслар томонидан амалга оширилган транзакциялар учун;

- ШИР-коднинг кетма-кет учта нотўғри тўплами туфайли банк картасининг блокланиши;
  - тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ операцияларни тўхтатиб туриш ва амалиётда фойдаланиладиган маблағларни ишга солмай тўхтатиб қўйиш;
  - банк операцияларини амалга ошириш ва Мижозни лозим даражада текшириш учун Банк томонидан талаб қилинадиган хужжатлар ва маълумотларнинг Мижоз томонидан ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки тақдим этилмаганлиги, ёки тақдим этилган хужжатларда йўл қўйилган ноаниқликлар ва хатолар учун;
  - банк ўз мажбуриятларини Банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда бажара олмаслиги;
  - тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда банк карта ҳисобварагини очишни ва Банк картасини чиқаришни, шунингдек Банк ҳисобвараги бўйича операцияларни амалга оширишни рад этиш;
  - учинчи томон тўлов ташкилотларининг тўлов тизимларидан фойдаланишда мижознинг ўз вақтида бўлмаган ёки нотўғри ҳаракатлари;
  - ташкилот ходимларининг карта балансида маблағларни ўз вақтида акс эттирмаслиги ёки уларга кириш имкониятининг вақтинча мавжуд эмаслиги, агар бунинг сабаби «UZCARD», «HUMO» тўлов тизимлари фаолиятидаги техник носозликлар ёки ташки тизимлар фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳолатлар бўлса;
  - АБТдаги маълумотлар ШТҲ маълумотлари ва Мижоз ҳақидаги бошқа маълумотлар билан бир хил бўлса, Реестр/Ведомостнинг қоғоз шаклидаги маълумотлари билан Банкнинг АБТдаги маълумотлари ўртасидаги номувофиқлиги учун;
  - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ташкилотнинг Транзит ҳисобвараги бўйича операцияларни тўхтатиб туриш учун;
  - Ташкилот ва Ходим (шу жумладан, меҳнат муносабатлари бекор қилинганда) ўртасида вужудга келган низо ва келишмовчиликлар бўйича;
  - Интернет тармоғи орқали банк картаси бўйича амалга оширилган транзакциялар учун;
  - ШИР-код киритиш билан амалга ошириладиган барча транзакциялар;
  - Мижоз ва учинчи шахслар ўртасида низоли вазиятлар юзага келганда, бундай ҳолатлар Мижознинг ушбу шартнома шартларини бажармаслиги натижасида юзага келганда, шунингдек, Банк ихтиёрида бўлмаган барча ҳолатларда;
  - Ҳалқаро тўлов «VISA», «Mastercard», «Union Pay International» ва «UZCARD», «HUMO» тизимларининг, бошқа тўлов тизимларининг операцион қоидаларига мувофиқ, бундай низо мижоз фойдасига ҳал қилинмаган бўлса, низоли транзакция бўйича мижозга етказилган зарар учун;
  - Агар мижоз қасдан ёки бепарволик билан бузилишига ҳисса қўшган ёки ушбу шартнома шартларини ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини бузган бўлса.
- 7.13. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган ҳолларда тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.
- 7.14. Ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик унинг бекор қилинишига асос бўлади, тугатиш вақти эса томонлар ўртасида алоҳида тартибда муҳокама қилинади.

7.15. Агар томонлардан бири ушбу шартномани бажариш чоғида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигини бузса, бошқа томон бунинг учун жавобгар эмас.

## 8. МАХФИЙЛИК

- 8.1. Банк картаси сақловчиси, шунингдек Банк шартнома бўйича маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун жавобгардир.
- 8.2. Банк ва Банк картаси сақловчисининг бир-бирига шартнома предмети билан боғлиқ тақдим этган маълумотлари махфий хисобланади. Томонлар олинган маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор қилинишининг олдини олиш учун барча зарур ва етарли чораларни кўрадилар.
- 8.3. Банк картаси сақловчиси, шунингдек Банк ушбу Шартнома бўйича банк сири ва ахборотининг хавфсизлиги учун жавобгардир.

## 9. ФОРС-МАЖОР

- 9.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар, агар бу бажарилмаслик, давлат бошқаруви ва назорат органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чекловчи ва таъкиқловчи характердаги хужжатлар/чоралар қабул қилиниши ёки форс-мажор ҳолатлари - уруш, зилзила, ёнғин, иш ташлаш ёки бошқа оғатлар (ускуналарнинг ишламай қолиши, дастурий таъминотнинг ишламай қолиши, электр таъминоти ва маълумотларни узатиш тизимларининг айбисиз пайдо бўлган, аммо уларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган) ва томонлар уларга таъсир қила олмайдиган ҳолатлар ва уларнинг юзага келиши учун улар жавобгар эмас, шунингдек, бу ҳолат ваколатли давлат органлари томонидан хужжатлаштирилган тартибда тасдиқланган бўлса. Томонлар бундай фавқулодда вазиятларнинг бошланиши ва тугаши тўғрисида дарҳол ёзма равишда хабар беришлари шарт.
- 9.2. Форс-мажор ҳолати юзага келганлиги тўғрисида томонлар бир-бирларини улар пайдо бўлган пайтдан бошлаб уч иш куни ичida хабардор қилишлари шарт.
- 9.3. Форс-мажор ҳолатларида ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари амал қилиш муддатига чўзилади.
- 9.4. Фавқулодда ҳолатлар, агар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан тасдиқланса, форс-мажор ҳолатлари деб хисобланади.

## 10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 10.1. Ушбу Шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча низолар Томонлар тарафидан ўзаро мақбул ечимга эришиш учун музокаралар йўли билан олдиндан кўриб чиқилади.
- 10.2. Агар келишувга эришилмаса, низолар Банк жойлашган жойдаги судда ёки Банк белгилайдиган ҳакамлик судида ҳал этилади.

## 11. АЛОХИДА ШАРТЛАР

- 11.1. Банк ушбу Офертанинг янги таҳририни ва банк Тарифларини веб-сайтга жойлаштириш орқали ушбу оферта шартларига бир томонлама ўзгартириш киритиш хукукига эга. Киритилган ўзгаришлар Банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган пайтдан бошлаб Банк ва Мижоз учун мажбурий бўлиб қолади.

## 12. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 12.1. Ушбу шартнома Мижоз Шартноманинг 2.2-бандига асоссан Офертага кўшилиши билан кучга киради ва томонлардан бири уни бекор қилиш истагини билдиргунига қадар муддатсиз хусусиятга эга;



- 12.2. Ушбу Шартнома тузилган пайтдан бошлаб, Банк карталарига хизмат қўрсатишга оид Томонлар тарафидан илгари имзоланган барча шартномалар, келишувлар ўз кучини йўқотади.
- 12.3. Картаси Сакловчиси ушбу шартномани бекор қилиш санасидан камида 30 (ўттиз) календар кун олдин Банкка тегишли ёзма хабарнома юбориш орқали ушбу шартномани бир томонлама, куйидаги шартлар асосида бекор қилишга ҳақлидир:
- 12.3.1. Банк картаси сакловчиси барча мажбуриятларни бажарди ва ушбу шартнома бўйича Банк олдида қарздорлиги мавжуд эмас;
- 12.4. Ёзма хабарномалар, агар улар имзо қўйдирган ҳолда топширилган тақдирда ёки буюртма ушбу шартномада қўрсатилган манзилга (агар почта квитанцияси бўлса) юборилган бўлса, бошқа томон тарафидан қабул қилинган деб ҳисобланади.
- 12.5. Шу билан карта сакловчиси барча алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш орқали Банкдан банк хизматларини илгари суриш билан боғлиқ реклама материалларини, шу жумладан: почта тарқатуви, СМС-тарқатиш, овозли тарқатиш, электрон хатларни тарқатиш ва бошқаларни олишга рози бўлади.
- 12.6. Ушбу Шартнома бекор қилинган ҳолларда, банк картасини чиқариш, транзакцияларни қайта ишлаш бўйича воситачилик ҳақи ва Банк тарифларига мувофиқ бошқа тўловлар Банк карта сакловчисига қайтарилмайди.
- 12.7. Ушбу Шартномада кўзда тутилмаган бошқа шартлар юзасидан, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиласидилар.

### 13. ЯУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 13.1. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ, Банк ўз фаолиятини амалга ошириши, Банкнинг ушбу шартнома шартларини бажариши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа мақсадлар учун Банк картаси сакловчиси Банк томонидан банк картаси сакловчисининг шахсга доир ҳар қандай маълумотларини қайta ишлаш ва улардан фойдаланишга муддатсиз розилигини беради.
- 13.2. Шартномага мувофиқ ёки у билан боғлиқ ҳолда юборилган барча билдиришномалар ва хабарлар ёзма шаклда бўлиши керак ва агар улар буюртма хат орқали юборилган бўлса ёки қуида қўрсатилган шартнома томонларининг юридик манзилларига шахсан етказилган бўлса, ҳамда олингандилиги тўғрисида тасдиқлаш мавжудлиги ҳолда тегишли равишда тақдим этилган деб ҳисобланади.
- 13.3. Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

### 14. БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«InFinBANK» АЖ

СТИР: 206942764, МФО:01041, ОКЭД: 64190

Манзил: 100029, Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 1-уй

Тел.: 71 202-50-60, қисқа рақами: 1214

Факс: 71 202-50-70